



Modern interpretation of the legal regulation of social relations

Akmal PARDAEV¹

Termez State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2024

Received in revised form
15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

15 February 2025

Keywords:

state,
law,
social relations,
legal regulation,
norm creation,
law-making,
legal incentives,
legal restrictions,
legal privileges,
democratization and
modernization,
legal relationships.

ABSTRACT

This article provides a comprehensive analysis of modern ideas, opinions, and perspectives aimed at the legal regulation of social relations. Additionally, it thoroughly examines the mechanisms for assessing, monitoring, and controlling the impact of legal regulation on social relations based on normative legal documents.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1/S-pp331-336>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий талқини

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

давлат,
ҳуқуқ,
ижтимоий муносабат,
ҳуқуқий тартибга солиш,
норма ижодкорлиги,
қонун ижодкорлиги,
ҳуқуқий рағбатлантириш,
ҳуқуқий чеклаш,
ҳуқуқий имтиёзлар,
демократлаштириш ва
модернизациялаш,
ҳуқуқий муносабатлар.

Мақолада ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган замонавий ғоялар, фикрлар ва қарашлар, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш таъсирини баҳолаш, мониторинг ва назорат механизмлари атрофлича таҳлил қилинган.

¹ Independent Researcher, Termez State University.

Современная интерпретация правового регулирования общественных отношений

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

государство,
право,
общественные отношения,
правовое регулирование,
нормотворчество,
законотворчество,
правовое стимулирование,
правовое ограничение,
правовые льготы,
демократизация и
модернизация,
правоотношения.

В статье подробно анализируются современные идеи, мнения и взгляды, направленные на правовое регулирование общественных отношений, а также механизмы оценки, мониторинга и контроля влияния правового регулирования общественных отношений на основе нормативно-правовых актов.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадларимиздан бири сифатида қаралаётганлиги жамият ҳаёти учун муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий нормалар асосида мукамал тартибга солинишини тақозо этмоқда. Бу эса, ҳуқуқшуносликка оид тушунча, тамойил, қоидалар ва бошқа бир қатор масалаларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш эҳтиёжини келтирмоқда [1].

Шу боисдан, норма ижодкорлиги жараёнида “ақлли тартибга солиш” усулларида фойдаланган ҳолда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасининг моҳияти, ҳуқуқий тизимдаги аҳамиятини ўрганиш, унинг барқарорлигини таъминлаш усул ва услубларини аниқлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ижросини самарали таъминлаш, норма ижодкорлиги жараёнида “ақлли тартибга солиш” усулларида кенг фойдаланиш ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари натижадорлигини мониторинг қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш асосий мақсадлардан этиб белгиланди [2].

Бугунги кунда Тараққиёт ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияларига мувофиқ мамлакатимиз давлат бошқарув соҳасида, айниқса, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, шу жумладан норма ижодкорлиги фаолиятининг ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид замонавий ғоялар асосан давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилмоқда:

Биринчидан, қонунчилик ҳужжатларини мақбуллаштириш натижасида тартибга солиш юқини камида 30 фоизга қисқартириш; тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, уларнинг улушини

камида *60 фоизга* етказиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг самарали мониторинги қамровини *100 фоизга* етказиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг *тартибга солиш таъсирини баҳолаш* ҳажмини камида *2 бараварга* ошириш; ҳуқуқ тизими рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай бўлган *содда ва ихчам қонунчилик* тизимини яратиш; идоравий *норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг аниқ чегараларини* белгилаш орқали уларнинг сонини кескин қисқартириш [3].

Иккинчидан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш мақсадида: а) қонун лойиҳасидаги ҳаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини лойиҳанинг ўзида мажбурий тартибда белгилаш; б) тегишли соҳани тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу соҳадаги қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган муносабатларни қонун даражасига кўтариш имкониятини муҳокама қилиш шартлигини белгилаш ва бу ҳақда қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида кўрсатиш; в) қонун кучга кирган кундан бошлаб беш йил ўтиб, масъул давлат органи ва Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари томонидан қонуннинг самарадорлигини, мақсади ва кутилган натижаларига эришилганлигини аниқлаш учун унинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиётини жорий этиш [4].

Учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг *соддалаштирилган* ва *кенгайтирилган* тартибини жорий қилиш [2]:

а) *соддалаштирилган тартибда лойиҳа ишлаб чиқилишидан олдин қуйидаги тартибга солиш воситалари баҳоланади*: жисмоний ва юридик шахсларга мажбурият, талаб, тақиқ, жавобгарлик ёки бошқа чекловларни белгилаш, уларни ўзгартириш ёхуд талабларга риоя қилишни ёки уларни бажаришни таъминлаш билан боғлиқ таъсир чораларини қўллаш; тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёз, преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини жорий қилиш, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ёки қисқартириш;

б) *кенгайтирилган тартибда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари баҳоланади*: соддалаштирилган баҳолаш натижалари бўйича иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсири даражаси юқори деб топилган лойиҳалар; Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ҳамда баҳолаш соҳасидаги ваколатли органлар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонларнинг таклифига кўра кенгайтирилган баҳолашдан ўтказилиши лозим деб топилган лойиҳалар.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг айрим жиҳатлари илмий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этилган бўлса-да, замонавий шароитда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий масалалари ҳуқуқшунос олимларнинг махсус илмий тадқиқот объектига айланмаган.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан мақсад барча субъектларни ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворига эришишдир [5]. Л.А. Морозованинг таъкидлашича, давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти айнан шу натижага эришишга йўналтирилган [6]. Шу сабабли ҳам ҳуқуқ назарияси фани ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни шакллантириш қонуниятлари, унга ундовчи сабаблар, ҳуқуқ нормасига риоя қилиш механизмини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади [7].

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ҳуқуқшунослик фанларида кам ўрганилган. Айниқса, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларининг илмий ва ўқув адабиётларида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқнинг ўрни, ҳуқуқий тартибга солиш механизми сифатида “ҳуқуқий рағбатлантириш, ҳуқуқий чеклаш ва ҳуқуқий имтиёзлар, шунингдек, “демократлаштириш ва модернизациялаш”, “ҳуқуқий муносабатлар” масалалари ўрганилган [8]. Бироқ, “ҳуқуқий тартибга солиш таъсирини баҳолаш: соддалаштирилган ва кенгайтирилган тартиблар” ва “ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда мониторинг ва назорат механизмлари” ва бошқа кўплаб замонавий талқинда учраётган тушунчаларининг илмий-назарий жиҳатлари деярли тадқиқ қилинмаган.

Илмий манбаларга кўра, ижтимоий муносабатлар – бу, одамларнинг мавқеи ва жамиятда бажарадиган функциялари билан боғлиқ бўлган ижтимоий ўзаро муносабатларда юзага келадиган турли хил муносабатлардир [9]. Е.Д. Егоров эса, ушбу ибора турли хил таърифларга эга эканлигини уқтиради: а) ижтимоий муносабатлар жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган алоқалар йиғиндиси; б) ижтимоий муносабатлар – одамларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари, макон ва вақтнинг ўзига хос шароитларида, тарихан белгиланган ижтимоий шакллардан иборат; в) ижтимоий муносабатлар – ижтимоий субъектлар ўртасидаги ҳаёт неъматларини тақсимлашда уларнинг тенглиги ва ижтимоий адолати, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар, моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ муносабатлар; г) ижтимоий муносабатлар – бу одамларнинг катта гуруҳлари ўртасида ўрнатилган муносабатлар; д) ижтимоий муносабатларни намоён бўлиш доирасидан ташқари: иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий муносабатларга бўлиш мумкин; е) ижтимоий муносабатлар – жамият субъектлари ўртасида объектив равишда вужудга келадиган, ўзаро боғлиқлик сифатида намоён бўладиган турли хил алоқалардир [10].

В.В. Бобров, А.К. Черненколар фикрича, “ижтимоий муносабатлар – бу а) шахсларнинг мулк объектлари учун ўзаро кураши, б) умумий ҳудуддаги биргаликдаги ҳаёт фаолияти таъсири остида ривожланадиган, ахлоқ, урф-одатлар ва қонунлар билан меъёрий тартибга солинадиган индивидуал субъект-субъектлар ва субъект-объектлар муносабатлари мажмуи, в) ҳаётни такрор ишлаб чиқаришнинг генетик дастури, д) умумий ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда ижтимоий меҳнат тақсимооти шартлари бўйича бир-бири билан ҳамкорлик қилиш” [11], деган хулосага келади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, ижтимоий муносабатлар шахслар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим жиҳати бўлиб, алоқа, маълумот ва тажриба алмашишни таъминлайди. Улар тасодифий эмас, балки жамият иерархиясидаги ҳар бир кишининг ижтимоий мавқеи ва ўрнига қараб шаклланади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатларнинг табиати масаласи анча мунозарали. Бу масалада Л.С. Явич [12], В.К. Бабаев [13], Ю.И. Гревцев [14] ва бошқа олимлар ҳуқуқий муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури, деб ҳисоблайдилар. В.В. Лазарев ва С.В. Липеньлар фикрича: “Ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури эмас, яъни улар мулкӣ, меҳнат, оилавий, бошқарув муносабатлари силсиласида мустақил ўрин тутмайди, ҳуқуқий муносабатлар фақат уларнинг юридик шакли, ташқи ифодаси сифатида намоён бўлади. Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий шаклга эга бўлиши мумкин, бунда улар ҳуқуқий муносабатлар, деб аталади” [15].

Шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқий тартибга солиш масаласи, ҳуқуқшунос олимларнинг у ёки бу илмий ишлари ва нашрларида таҳлил этилиб, муносабат билдирилган. Жумладан, профессор Х.Т. Одилқориев ўзининг асарида, “Тўғри, ижтимоий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинмайди. Одатда, давлат ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ билан тартибга солинади. Ижтимоий муносабатларнинг қолган қисми ахлоқ нормалари, сиёсий нормалар, жамоат бирлашмалари нормалари, одат қоидалари, диний нормалар ва ҳоказолар билан тартибга солинади” [16], деб ёзади. Албатта олимнинг ушбу жонли фикрини инкор этиб бўлмайди.

Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда кўплаб ҳуқуқ назарияларида кашфиётлар яратилаётган бир пайтда, ҳали ҳамон “ижтимоий муносабатлар” ва “ҳуқуқий тартибга солиш” тушунчалари ўрганилаётганлиги ва бу муттасил давом этаётганлиги, бироқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасининг мазмунан ва асосли бўлган замонавий талқин қилиш хусусида ҳам ягона фикрга келинмаган.

Ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солиш масаласини З.М.Исламов талқинида ҳам кузатиш мумкин. Унга кўра, тор маънода – ҳуқуқни фақат юридик нормалар тизими сифатида тушуниш; кенг маънода – ҳуқуқни эркинлик ва адолат мезонлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш; ҳуқуқни унинг томонидан тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар билан бир хил, тенг деб қаровчи ёндашув шаклланган [17].

Ижтимоий тартибга солиш икки хил – *норматив* ва *индивидуал* кўринишга эга. Норматив тартибга солиш умумий хусусиятга эга бўлиб, бу нормалар (қоидалар) жамиятнинг барча аъзоларига ёхуд унинг муайян қисмига тегишли бўлади. Бироқ ҳеч қачон у аниқ бир одамга тааллуқли бўлмайди. Индивидуал тартибга солиш аниқ субъектга тааллуқли ҳисобланади, яъни тегишли тарзда ҳаракат қилиш учун берилган индивидуал буйруқдан иборат бўлади. У маълум афзалликларга эга: муайян бир вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини, шахсларнинг ўзларигагина хос фазилатлари, юзага келадиган муносабатлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳаётӣ муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Лекин, шубҳасиз, унинг жиддий камчиликлари ҳам мавжуд: у иқтисодӣ жиҳатдан тежамкор эмас, ишлаб чиқаришнинг такрорланувчи ҳаракатлари ва жараёнларида, ўзаро алмашувлар, кишилар ҳаёт ва фаолиятларида қатъӣ уюшқоқликни, ягона умумӣ тартибни, зарур бир хилликни тўла таъминлай олмайди. Натижада ҳар гал муаммони янгидан ҳал этишга тўғри келади, муҳими, субъектив, ўзбошимча қарорлар қабул қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлади [17].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб, серқирра тушунча бўлиб, уни жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий воситалар билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда ушбу мавзунинг кенг қамровлилигини ҳисобга олиб, келгусида “ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш” масаласининг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий механизмларини очиқ беришга бағишланган комплекс тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. *Бердияров Ш.* Юридик техника / Монография. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2017. – 216 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 16 августдаги ПФ-111-сон Фармони // <https://www.lex.uz/uz/docs/7069968>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси // <https://lex.uz/docs/6600413>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-75-сон қарори, 19.02.2024 йилдаги ПҚ-75-сон қарори // <https://lex.uz/docs/6806476>
5. *Отахонов Ф.Х.* Юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари. Монография / Масъул муҳаррир Тошқулов Ж.Ў. – Т.: 2019. – 289 б.
6. Морозова Л.А. Теория государства и права. – М.: Юристъ, 2003. – С. 321.
7. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, доцент Н.П.Азизов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 228 б.
8. *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т.: 2007. – Б.781-810.; Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – (582 б.) 460-476.; Azizov, E. (2021). Administrative Regulation – Is A Legal Measure Determining The Mechanisms Of Law Enforcement. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(12), 124–129.
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
10. *Егоров Е.Д.* Праксиология: Основы теории. Часть 2. Субъекты отношений. — Москва: Юстицинформ, 2020. – 238 с. с. – ISBN ISBN 978-5-7205-1625-3.
11. Бобров В. В., Черненко А. К. Правовая технология. – Новосибирск, 2014. – с. 157.
12. *Явич Л.С.* Право и общественные отношения. -М., 1987. С.11-23.
13. Общая теория права. Подред. В.К.Бабаева. -Н.Новгород, 1993. С. 405 – 407.
14. *Гревцев Ю.И.* Правовые отношения и осуществление права. – Л., 1987. С.29-42.
15. *Лазарев В.В., Липень С.В.* Теория государства и права. -М., 1998. С.290-291.
16. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б.314.
17. *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т.: – 2007. – Б. 309-310.